
"Собиқ аэродром" да электр тармоқларини қуриш давом этмоқда
Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-5101-қарорига асосан, Бағдод туманининг "Бедарак" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилган "Собиқ аэродром" кичик саноат зонасини электрлаштириш ишлари давом этмоқда. Бу ҳақда туман электр таъминоти корхонасининг ишлаб чиқариш бўлими муҳандиси Муроджон Жамолов маълум қилди.

Қарорга мувофиқ, саноат зонаси ҳудудига жами 78 дона темир-бетон таянчлар ва 2 дона 630 кВА қувватли янги трансформатор пункти ўрнатилади. Шунингдек, 10 кВ ли ҳаво узатиш (3,32 км) ва кабель электр узатиш (0,27 км.) тармоқларини қуриш (жами - 3,59 км. режалаштирилган.

- Ҳозирга қадар 25 дона таянч ўрнатилди ва яна 53 донаси келтирилди. Режадаги ишлар босқичма-босқич давом эттирилмоқда, - дейди М.Жамолов.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-05-24 19:14:38